



Санъат ШОДИЕВ

катта ўқитувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти

ssifl@rambler.ru

ТУРҒУН СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Мақолада эркин сўз бирикмалари ҳамда фразеологик бирликлар колипидаги турғун сўз бирикмаларига доир айрим масалалар ўрганилган. Соф турғун бирикмалар ва кўчма маънодаги турғун бирикмаларнинг фарқли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

В статье рассматривается изучение свободных словосочетаний, а также устойчивых словосочетаний, фраземных предложений с точки зрения их различий в языках. Основной акцент делается на семантическую структуру словосочетаний и фразеологических единиц.

This article is devoted to some aspects of set expression and phraseological units, in other words to phrasemes. The author of the article tries to reveal the main features of set expressions, and phraseological expressions, phrasemes.

Калит сўзлар: турғун сўз бирикмалари, предикативлик, номинативлик, парафраза, фразема.

Ключевые слова: словосочетания, предикативность, номинативность, парафраза, фразема.

Key words: set expression, phrase, predicative, nominative, paraphrase, phraseme.

Сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви синтактик тадқиқотларнинг энг мухим масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу соҳада, хусусан, эркин сўз бирикмалари ҳамда фразеологик бирликлар колипидаги турғун сўз бирикмалари тадқиқи бобида салмоқли натижаларга эришилди. Айни пайтда, унинг ҳали ўрганилмаган, тадқиқ этилиши зарур бўлган муаммолари мавжуд. Жаҳон тилшунослигида ҳам сўзларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш ҳозирга қадар, асосан, эркин бирикмалар мисолида амалга оширилган. Бирок сўз бирикмаларининг предикативлик ҳодисасига муносабати, тенг компонентли бирикмалар тадқиқи каби масалалар ҳануз тадқиқ этилмаган. Фикримизча, сўз бирикмалари таърифининг ўзи изоҳга муҳтождир. Чунки сўз бирикмасини мустақил туркумдаги сўзларнинг тобелик асосида

бирикувидан ташкил топувчи синтактик қурилма тарзида тушуниш масаланинг фақат бир томони билангина боғлиқ кўринади. Негаки, компонентларининг тенглик асосида муносабатга киришувидан ташкил топувчи сўз бирикмалари ҳам мавжуд эканлиги бугунги тилшуносликда тўлиқ эътироф этилмоқда. Юқоридагилардан ташқари, турғун сўз бирикмаларининг семантик ва синтактик табиатини ўрганиш борасида тилшунослигимизда айтилаётган фикр ва мулоҳазаларнинг ўзи ҳам изоҳталабдир. Аксарият тадқиқот ишларида улар фразеологик бирикмалар қолипида ўрганилмоқда. Ваҳоланки, соф турғун бирикмалар парафразалар ҳам мавжудки, уларнинг синтактик табиати компонентлари ўртасидаги муносабат масалалари тадқиқи ҳам ўз ечимини кутмоқда. Мавжуд тадқиқотларда бундай бирикмалар синтактик ҳодиса сифатида ўрганилмаган, балки лексикологияда озми-кўпми айтилган фикрлар билан чекланилган.

Турғун ҳолатдаги компонентлар муносабатига асосланган сўз бирикмалари ҳудуди анча кенг бўлиб, улар жумласига соф турғун бирикмалардан ташқари, парафразалар ҳам, фразеологик иборалар ҳам ва баъзи турғунлик белгисига эга бирикмалар ҳам киради. Шундай бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири компонентлари алоқасининг турғунлик даражасига ҳамда семантик салмоғига кўра иккинчисидан фарқ қилади. Соф турғун бирикмалар компонентларининг синтактик муносабати ўзгармас бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири ўз маъно ифодасини йўқотмаган бўлади. Бошқача айтганда, бирикманинг умумий семантик салмоғи айна пайтда компонентларининг маъно ифодаларидан келиб чиқади: **темир йўл, дам олиш уйи, турмуш ўртоғи ва бошқалар**. Инглиз тили мисолида **railway station, dining room, customs house, mother-in-law, baby sitter** ҳам ўз маъносида келаётганини кўриш мумкин.

Келтирилган мисолларда бирикма компонентларининг синтактик муносабатлари турғун бўлса-да, улар кўчма маънода қўлланмаган, зотан, **темир, йўл, турмуш, ўртоқ, дам, олмоқ, уй** сўзларининг истеъмолга киритилишида мажозийлик хусусиятлари кўринмайди. Шундай бўлишига қарамай, акадамик В.В.Виноградов таълимотида бу сингари бирикмали атамалар фразеологик қўшилмалар тарзида талқин этилади(4, 23).

О. С. Ахманова ҳам таркибли номларни ёки атамаларни фразеологик бирикмалар жумласига киритади ва бунда лексик контекст ҳодисаси мавжудлигини таъкидлайди (1, 171–172).

Бундай мулоҳазаларни бошқа тилшуносларнинг тадқиқотларида ҳам кузатамиз. Масалан, А.Т. Мордвилко тадқиқотларида **атом энергияси, олий**

ўқув юрти, иссиқлик энергияси, меҳнат дафтарчаси каби сўз бирикмалари фразеологик иборалар тарзида талқин этилади(7, 50–53).

К.А. Левковская тадқиқотларида ҳам тартибли атамалар фразеологик бирикма сифатида ўрганилган. Аммо олима уларни ноидомотик бирликлар деб номлайди: **феодалная собственность, общественная собственность** ва бошқалар(6, 35).

А. М. Бабкин “Фразеология ва лексикография” деб номланган мақоласида бундай таркибли атамаларни рус тилида тўғридан-тўғри фразеологик иборалар жумласига киритиш мумкинлигини айтади ва бу мулоҳазалари билан академик В.В.Виноградов фикрига яқинлашади(2, 10). А.М.Бабкин таркибли атамаларда иккинчи семантик воқелик вужудга келишини алоҳида таъкидлайди(2, 10). Бироқ олим бошқа бир тадқиқотида ҳар қандай турғун бирикма фразеологик ибора бўлавермаслигини, шу боис таркибли атамаларни (составные наименования) фразеологик бирикмалар жумласига киритиш тўғри эмаслиги эслатиб ўтилади(3, 13).

Умуман олганда, таркибли атамаларни фразеологик иборалар жумласига киритиш анъанага айланиб қолган. Бунинг натижасида таркибли атамалар фразеологик иборалар сифатида нафақат илмий тадқиқот ишларида, балки дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам талқин этила бошланди. Фикримиз исботини проф. Д.Э. Розентал масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Ҳозирги рус тили” (1-қисм) дарслигида кўриш мумкин.

Дарсликда таркибли атамалар фразеологик иборалар тарзида тавсифланади ва бунга қуйидаги мисоллар келтирилади: **неорганическая химия, пишущая машинка, сравнительная языкознание, экологическая география, электромагнитные волны**. Таркибли атамаларнинг фразеологик ибора тарзида ўрганилиши улар таркибида келаётган сифат билдирувчи сўзларнинг от маъносини чегаралаб, торайтириб келиши билан изоҳланади(9, 58 – 59).

Проф. Н.М.Шанский тадқиқотларида ҳам таркибли атамалар, гап қолипидаги синтактик структуралар, мақол, матал ва ҳикматли сўзлар фразеологик ибора сифатида талқин этилган: **любви все возрасти покорны, неправдою свет пройдёш; семь раз отмерь–один раз отреж; первобытный человек, членский билет, партийное бюро** ва ҳоказо(10, 201 – 202). Олим фразеологик ибораларни икки турга бўлади: 1. Коммуникатив характерли фразеологик иборалар. 2. Номинатив характерли фразеологик иборалар. Биринчи турга предикативли турғун бирикмаларни киритиб, уларнинг гап мақомига эга эканлигини таъкидлайди: **Человек – это звучит гордо; Без труда не вытацишь рыбку из пруда**. Иккинчи турга

нопредикатив характердаги номинатив маъно англатувчи турғун бирикмаларни киритади: **трудовые успехи, поджигатели войны, высшее учебное заведение ва ҳ.к.**(11, 204).

Инглиз тили мисолида предикативли турғун бирикма сифатида: **There is no use crying over spilt milk** бирикмасини кўриш мумкин. **No pain no gain, labour achievements, war-mongers, a higher educational establishment** мисолларни нопредикатив бирикмаларга киритиш мумкин.

Н.М.Шанский таркибли терминларни ҳам фразеологик ибора тарзида талқин этади. Бироқ у мазкур ўринда қандайдир маънода иккиланади ва бу сингари терминларнинг фразеологик маъно касб этишини айтади, уларнинг семантик бутунлигига кўра ибора бўлмаслигини кўрсатади: **ффрикативные звуки, вопросительный знак, экономическая политика** ва ҳоказо(11, 205).

Н.М.Шанский фразеологик ибораларни турғун бирикма ёки гап колипли деб тушунади ва бунда асосий белги сифатида уларнинг тилимизда тайёр ҳолда эканлиги таъкидланади. Н.М.Шанский ибораларни мустақил сўз билан қиёслаб ўрганади. Агар сўз морфемалардан ташкил топса, фразеологик ибора сўзлардан, уларнинг ўзаро муносабатидан шаклланиши эслатилади. Бунда сўзларнинг номустақил бирлик – морфема билан, фразеологик иборанинг эса мустақил бирлик – сўз билан узвий боғлиқлиги, бироқ мазкур ҳолат фразеологик чатишмаларга тааллуқли эмаслигини алоҳида таъкидлайди. Олим фразеологик чатишмаларда қўлланадиган лексик бирликларни мустақил ва том маънодаги сўзлар деб билмайди. Унинг фикрига кўра, бундай иборалар таркибида келган сўз сўзларга хос белгиларни тарк этади. Фразеологик ибора таркибидаги сўз ўзининг мустақил маъносида қўлланмаслиги сабабли шундай хулосага олиб келган(12, 34 – 35).

Бу ўринда Н.М.Шанский бир томондан, яъни ибора таркибидаги сўзларнинг ўз луғавий маъносида қўлланмаслиги жихатидан ҳақ бўлса, иккинчи томондан ноҳақ кўринади. Зотан, ибора компоненти сифатида келган сўз, агар у ўзининг лексик (луғавий) маъносини мутлақо тарк этган бўлса ҳам, шаклан сўздир. Уни бошқача ном билан атаб бўлмайди.

Проф.А.В.Куниннинг фразеологик иборалар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ўзига хос. Олим фразеологик ибора фақат турғунлик белгиси орқали аниқланиши лозим, деган ғояни олға суради ва бунда турғунлик белгиси куйидагиларда ўз аксини топиши таъкидланади:

1. Инвариант қўлланиш турғунлиги(тилда тайёр ҳолда мавжудлиги).
2. Структур семантик турғунлик.
3. Лексик турғунлик.

4. Семантик турғунлик.
5. Синтактик турғунлик (5, 6-7).

Турғунлик фразеологик ибораларнинг асосий белгиларидан бири эканлиги шубҳасиз. Бироқ ибора моҳиятини фақат шу белги орқалигина тавсифлаб бериб бўлмайди. Чунки маъно, образлилик, тайёр ҳолда мавжудлик кабилар ҳам фразеологик иборанинг шу мақомда келиши учун ўта зарур белгилар ҳисобланади.

Сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви масаласини синтактик тадқиқ этиш натижасида сўз бирикмалари, соф турғун бирикмалар ва турғун бирикмалар (фразеологик иборалар) хусусида назарий билимларга аниқлик киритиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М., 1957.
2. Бабкин А.М. Фразеология и лексикография // Проблемы фразеологии. – М., - Л., 1964.
3. Бабкин А.М. Лексикографическая разработка русской фразеологии. – М., 1964.
4. Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове). – М., 1972.
5. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка(опыт систематизированного описания). – М, 1972.
6. Левковская К.А. Теория слова принципы её построения и аспекта изучения лексического материала. . – М., 1962.
7. Мордвилко А.П. Очерки по русской фразеологии. – М., 1964.
8. Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. – Самарканд, 1973.
9. Современный русский язык. (1-исм). – М., 1979.
10. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М., 1964.
11. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М., 1979.
12. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М., 1969.